



Specific aspects of the dynamics of desecular processes in Uzbekistan and Tajikistan

Muzaffar OTAMATOV¹

Chirchik Higher Tank Command and Engineering School

ARTICLE INFO

Article history:

Received March 2024
Received in revised form
15 April 2024
Accepted 25 April 2023
Available online
25 May 2024

Keywords:

state,
system,
religion,
islam,
secularization,
desecularization.

ABSTRACT

This article analyzes the religious structures that make up the dynamics of desecularization, their indicators compared over the years, religious educational institutions, as well as the growth of Hajj trips made by citizens of Central Asian countries.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss4/S-pp1-7>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбекистон ва Тожикистондаги десекуляр жараёнлар динамикасининг ўзига хос жиҳатлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

давлат,
тизим,
дин,
ислом,
секуляризация,
десекуляризация.

Ушбу мақолада десекуляризация динамикасини ташкил қилувчи диний тузилмалар, уларнинг йиллар кесимида таққосланган кўрсаткичлари, диний таълим муассасалари, шунингдек Марказий Осиё давлатлари фуқаролари томонидан қилинаётган хаж сафарларининг ўсиши таҳлил қилинган.

¹ Head of the Department for the Organization of Scientific and Innovative Activities, the Chirchik Higher Tank Command and Engineering School. E-mail: muzaffarotamatov@gmail.com

Особенности динамики десекуляризационных процессов в Узбекистане и Таджикистане

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

государство,
система,
религия,
ислам,
секуляризация,
десекуляризация.

В данной статье анализируются религиозные структуры, составляющие динамику десекуляризации, их показатели по годам, религиозные образовательные учреждения, а также рост числа Хаджа, совершаемых гражданами стран Центральной Азии.

Исталган мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти ва давлат сиёсатининг унумли бўлишида десекуляризациянинг ижобий ва салбий жиҳатлари кўзга ташланади. Салбий жиҳатлардан қутилиш учун диндан тўла воз кечиш ёки ижобий томонни кўпайтириш учун давлат ва одамлар ҳаётини тўла динга боғлаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Шундай экан, мўътадил мувозанатни сақлаш учун вазиятни доимий равишда назорат қилиш оптимал усуллардан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Э. Данилова тадқиқотларига мувофиқ, (мамлакатда диндорлик даражасининг ортиб бориши; ташкилий-маъмурий диний тузилмаларнинг қайта тикланиши; диний ташкилотларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақомини тан олиш ва кенгайтириш; ибодат жойлари ва бошқа мулкни диний ташкилотларга қайтариш; диний ташкилотларни иқтисодий ва сиёсий фаолиятнинг фаол субъектларига айлантириш; диний-фалсафий анъаналарнинг тикланиши; диний таълимнинг тикланиши, диний ташкилотларнинг дунёвий таълимга кириб боришга интилиши.) Ўзбекистон ва Тожикистонда десекуляр жараёнлар динамикасининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Ретроспектив ва қиёсий таҳлиллар бағрикенглик туфайли диний тузилмалар пайдо бўлиш динамикасидаги катта ўсишни кўрсатмоқда [2, Б-7]:

1-жадвал

Тожикистон ва Ўзбекистондаги диний тузилмалар [5]

Тузилмалар номи (тури)	Тожикистон			Ўзбекистон
	1943–1988 йй.	2011 й.	2022 й.	2022 й.
Умумий диний ташкилотлар (бирлашмалар)			4000 дан ортиқ	2340
Ислом динига оид ташкилотлар (бирлашмалар)		3755	4000 дан ортиқ	2144
Шулардан:				
Беш маҳал намоз ўқиладиган масжидлар	17	3362	4000	2100
Жомеъ масжидлари		344	3000 дан ортиқ	2096
Марказий жомеъ масжидлари		40	Маълумот топилмади	
Тожикистон Ислом маркази		1		
Исмаилитлар жамоати		1		
Ноисломий ташкилотлар		74 та		85 та

Черков	15	Маълумот топилмади	Маълумот топилмади	
Синагога	2			
Рус православ черкови		4	+	39
Евангелъ Христиан Баптистлари республика Бирлашган черкови		1	Маълумот топилмади	
Евангелъ Христиан Баптистлари черкови		12		24
Евангелъ Христиан Баптистлари Бирлашмаси		1	+	
Евангелъ Христиан черкови		15	Маъл. топилмади	64
Евангелъ Лютеран черкови		0		2
“Иегово гувоҳлари” черкови		0		1
Протестантлар			+	
Католиклар (немис вакилари томонидан)			+	
Новоапостоль черкови диний ташкилоти		3		4
Рим католик черкови		3		5
Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови		4		10
Сонмин-Сунбогим черкови (корейс)		4		
Корейс протестант черковлари			Маълумот топилмади	26
Арман апостолик черкови				2
Яхудий диний жамоалари				8
Христиан миссияси		3		
Миллий маънавий йиғилиш		1		
Бахой диний жамоалари		6		7
Кришнани англаш жамияти				1
Будда ибодатхонаси				1
Ўзбекистон библия жамияти				1
Турли конфессиялар черковлари		15		

Тожикистондаги диний тузилмалар асосан 2011 йилгача қўпайган. 2022 йил 2011 йил кўрсаткичларига нисбатан катта бўлса-да, ўсиш сурати пасайган. Бунга сабаб қилиб, мамлакатда ўша даврларда норасмий диний мактабларнинг қўпайиб кетиши оқибатида экстремизм ва диний ақидапарастлик бўйича жиноятчиликнинг ошишини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда ноисломий ташкилотлар кўп бўлишига қарамай, аҳоли сонига нисбатан олганда Тожикистондан кам дейиш мумкин. Масжидлар сонига катта устунлик Тожикистон томонда эканлиги кўринмоқда. Бироқ мамлакатнинг умумий аҳоли ва ислом динига эътиқод қилувчиларнинг умумий сонига нисбатан олганда номутаносиблик сезилади. Масалан, 2023 йилда Душанбе шаҳрида очилган “Имом Аъзам” жомеъ масжиди [6] ёпиқ биноси ичига 43 минг (умумий 133 минг) киши сиғади ва минтақамизда 1-ўринда туради. Маълумот сифатида: *Қозоғистонда 2022 йил бино ичида 35 минг (умумий 235 минг) кишилик масжид [7] очилган.* Ўзбекистондаги энг катта масжид эса Тошкент шаҳридаги “Исломобод” масжиди бўлиб, бино ичига 8 минг (умумий 13 минг) кишини сиғдира олади [8].

1943 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкил этилиб, 1971 йилда Совет иттифоқида ягона бўлган Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом олийгоҳи (Маҳад), кейинчалик Бухородаги Мир Араб мадрасаси ташкил этилган [9]. Бироқ эҳтиёжнинг юқорилиги туфайли бу таълим муассасалари етарли бўлмаган (25 йилда (1971-1995 йй.) 378 киши, яъни бутун Марказий Осиё (айрим манбаларда бутун собиқ СИ учун) аҳолиси учун йилига ўртача 15 кишига тўғри келган. Бу эса жуда кам бўлган.

Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистонда 1 та Халқаро ислом Академияси ва Мусулмонлар идораси тасарруфидаги 15 та диний таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан **3 таси**: Тошкент ислом институти; Мир Араб олий мадрасаси; Ҳадис илми мактаби **олий** ҳисобланади. **10 та** (2 таси аёл-қизлар ўрта-махсус таълим муассаси) **ўрта махсус ислом билим юртлари**: 1.“Кўкалдош” ўрта махсус ислом билим юрти. 2.“Саййид Муҳйиддин маҳдум” ўрта махсус ислом билим юрти. 3.“Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юрти. 4.“Муҳаммад ал-Беруний” ўрта махсус ислом билим юрти. 5.“Фахриддин ар-Розий” ўрта махсус ислом билим юрти. 6.“Хожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юрти. 7.“Мир Араб” ўрта махсус ислом билим юрти. 8. “Имом Термизий” ўрта махсус ислом билим юрти. 9. “Ҳадичаи Кубро” ўрта махсус ислом билим юрти. 10.“Жўйбори Калон” ўрта махсус ислом билим юрти.[11] Шунингдек, **2 та ноисломий диний таълим муассаси** – Тошкент проваслав ва Тошкент протестант семинариялари мавжуд.

Шу билан бирга, ҳудудларда махсус илмий мактаблар ташкил этилган бўлиб, уларда ислом дини таълимотлари ўқитилади. Уларга Фарғонада “Фикҳ”, Самарқандда “Калом” ва “Ҳадис”, Қашқадарёда “Ақида” ва Бухорода “Тасаввуф” мактаблари киради [12]. Шунингдек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга мўлжалланган илмий-тадқиқот марказлари ҳам фаолият юритади.

Такидлаш жоизки, Тожикистон расмий ва норасмий каналлари томонидан тарқатилган маълумотларга кўра, мамлакатдаги олий диний таълим муассасалари сони реал эҳтиёжга жавоб бермайди [14]. Аҳолининг 90 %дан ортиғи ислом динига эътиқод қилишига қарамай, мамлакатда бугунги кунда фақатгина Имом Аъзам Абуханифа номидаги Тожикистон Ислам институти мавжуд бўлиб, йилига 150 нафар битирувчи ўқишни тамомлайди холос. Ўқиш учун йилига 3400 сомоний (309,90 АҚШ доллари)дан 4800 сомоний(437,51 АҚШ доллари)гача тўлов тўланади. [22].

Олий таълимгача бўлган диний билимларни фақатгина уйда, ўз оиласи (ота-онаси)да ўрганиш мумкин. Мактабларда 9-синфлар учун ҳафтада бир соатлик “Дин тарихи” фани ўтилиши билан чекланган [16]. Мустақилликка эришилгандан сўнг Тожикистонда хусусий диний таълим берувчи мактаблар (уйларда норасмий очилган) сони ҳам кўпая бошлаган. Бироқ норасмий диний таълимот мамлакатга бир қатор муаммолар келтириб, ёшларни экстремистик ва террористик гуруҳлар сафига қўшилиб кетишига сабаб бўлди. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Қонун [1] қабул қилинди ва Тожикистон махсус хизматлари томонидан “Мадраса” операциясини ўтказиш йўлга қўйилди. 2009 йилда хусусий диний таълим тақиқланганлигига қарамасдан, 2010 йил 20 та, 2011 йил 58 та [17] шундай мактаблар борлиги аниқланди ва уларнинг кейинги фаолиятига чек қўйилди. 2019-2021-йилларда 1850 тага яқин ноқонуний диний таълим бериш

ҳолатлари ошкор этилган. Қонунни бузганлар орасида 40 нафардан кўпроқ имом-хатиб, 980 нафардан зиёд норасмий мулалар мавжуд [18]. Тожикистон Давлат миллий хавфсизлик ходимлари томонидан берилган маълумотларга кўра, экстремистик гуруҳларга қўшилиб қолган кишиларнинг 95 фоизи ноқонуний диний таълим олган.

Шуларга қарамасдан, Тожикистон, диний таълимдаги эҳтиёжни қондиришда ислом давлатлари билан ҳамкорликни ушлаб туришни маъқул деб ҳисоблайди. Жумладан, Asia-Plus интернет нашрининг ҳукумат ҳузуридаги дин, анъана, тантана ва маросимларни тартибга солиш қўмитасига таяниб маълум қилишича, тожикистонликлар асосан Покистон, Миср, Саудия Арабистони, Эрон, Ливия, Йаман ва Сурияда таълим олишга боришади. Эндиликда эса таълим масаласида қўшни мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон билан ҳамкорлик йўлга қўйилди [14], деб таъкидланади манбада.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон аҳолисининг диний таълимга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ҳам муаммолар учрамоқда. Жумладан, 2023 йил 12 май куни Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва дин ниқоби остида уларни радикаллаштиришга уринишларнинг олдини олиш борасидаги устувор вазифалар” мавзусида ўтказилган давра суҳбати[19]да ноқонуний равишда Мисрда диний таълим олишга бўлаётган уринишларнинг кўплигига эътибор қаратилди.

Ислом устунларидан бири бўлмиш Хаж амалларини адо этишга бўлган интилишлар ҳам бирмунча кўпайган (қуйидаги жадвалга қаранг).

2-жадвал

ЎР, ТР, ҚР, ҚР хаж сафари кўрсаткичлари [20]

Давлатлар	2005-2010 (1-давр)		2018-2023 (2-давр)		Ўсиш
	Хажга борганлар	Умумий аҳолидан фоиз	Хажга борганлар (дан ортиқ)	Умумий аҳолидан фоиз	
Ўзбекистон Республикаси	5 000	0,018	49 000	0,136	0,118
Тожикистон Республикаси	5 200	0,071	30 500	0,122	0,051
Қирғизистон Республикаси	4 676	0,088	25 000	0,510	0,422
Қозоғистон Республикаси	4 000	0,025	14 000	0,008	- 0,017

Жадвалга асосан, 1-даврда хаж сафарига бориш нисбатан Тожикистон фуқаролари томонидан кўп амалга оширилган. Аҳоли сонидан келиб чиқиб, ўша даврда 27 млнлик Ўзбекистондан 5000 киши, деярли тўрт баробар кам фуқароси (7 млн) бор Тожикистондан 5200 киши хажга борганлиги Душанбедаги диний эркинликнинг юқори даражасини кўрсатади. (Маълумот учун: Ўзбекистонда 94 % (34 млн) [10], Тожикистонда 90 % ортиқ (9 млн) [22] аҳоли мусулмонлар ҳисобланади.) 2-давр натижалари ва уни биринчи беш йиллик натижалар билан таққосланганда, Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикаларига нисбатан Тожикистон хаж сафарларини камайтирганлиги кўринмоқда. Умумий ҳолда Қозоғистондан ташқари давлатларда 2-даврда ўсиш кузатилиб, мамлакатлар

аҳолисининг хаж сафарига бўлган интилиши кучайган. Жорий йил учун Ўзбекистонга ажратилган квота 15 минг [23], Тожикистон учун 7 минг [24] эканлигини инобатга олсак, аҳоли сонига нисбатан қўшнилар учун берилган ўринлар кўп эканлиги билинади.

Ўз ўрнида минтақадаги десекуляр жараёнларни табиий ҳол эканлигини таъкидлаган бўлар эдик. Чунки туғилганида қулоғига азон айтилиб, ҳаётининг мазмунига диний урф-одатлар сингиб кетган одамнинг узоқ йиллар ўз динидан узоқлаштириш учун бўлган ҳаракатлар, қолаверса, глобаллашувнинг салбий таъсирлари одамларни динга бўлган ишончини янада кучайтириши табиийдир.

Албатта бу жараён тўлиқ диний таълим тизими шаклланиб улгурмаган мамлакат учун муаммолар туғдириб, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни назорат ва таҳлил қилиб бориш заруратини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Закон Республики Таджикистан «О свободе совести и религиозных объединениях», – mfa.tj/ru/main/tadzh. 2009.
2. Statement of Mavlon Mukhtorov, Deputy Head of the State Committee on Religious Affairs, Government of Tajikistan. Свобода мысли, совести, религии и убеждений в РТ. Образование и религия: современное состояние и перспективы., 2011., – Б.7.
3. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати (Матн) : монография А.Солмонов. – Т.: Tafakkur, 2015. 82 б.
4. Марказий Осиё Ренессанси журнали. Д.Д.Юсупова “Панисломизм Шарқ ва Ғарб оламидаги сиёсий омил сифатида”, 2021. – Б.37.
5. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларнинг рўйхатга олиниши ҳақида маълумотнома. – <https://religions.uz/> (мурожаат санаси: 15.08.2023)
6. Душанбеда Марказий Осиёдаги энг катта масжидлардан бири очилди. <https://kun.uz/news/2023/06/09/tojikiston-poytaxtida-markaziy-osiyodagi-eng-katta-masjid> (мурожаат санаси: 22.03.2024)
7. Қозоғистонда Марказий Осиёдаги энг катта масжид очилди. <https://kun.uz/news/2022/08/13/qozogistonda-markaziy-osiyodagi-eng-katta-masjid-ochildi> (мурожаат санаси: 10.06.2023)
8. Тошкентда 13 минг ўринли жоме масжиди очилди. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/03/23> (мурожаат санаси: 19.02.2024)
9. Х.Р.Абдулло Частное религиозное образование в Таджикистане: Современное положение, проблемы и выводы. <https://cyberleninka.ru/article/n/chastnoe-religioznoe-obrazovanie-v-tadzhikistane-sovremennoe-polozhenie-problemy-i-vyvody> (мурожаат санаси: 19.01.2024)
10. Ўзбекистонда диний таълим: муаммо ва истиқболлар. <https://tarjumon.uz/uzbekistonda-diniy-talim-muammo-va-isti%D2%9Bollar/> (мурожаат санаси: 19.08.2023)
11. Диний таълим борасида батафсил маълумотга эгамизми? <https://religions.uz/news/detail?id=1570> (мурожаат санаси: 25.09.2023)
12. Улуғбек Жўраев., Имом мотурудий халқаро илмий-тадқиқот маркази. Ўзбекистон диний бағрикенглик юрти// <http://Moturidiy.uz/uz/news> (мурожаат санаси: 19.08.2023)

13. Toshkent pravoslav seminariyasi., QOMUS.INFO onlayn ensiklopediya. <https://qomus.info/ensiklopediya> (мурожаат санаси: 11.12.2023)
14. Тоҷикистон Ўзбекистондаги исломий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантиради. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати. <http://old.muslim.uz/index.php/rus/yangiliklar-2016/dunjo-yangiliklari/item/12522> (мурожаат санаси: 11.03.2024)
15. Религиозное образование в Таджикистане: «Если мы не научим, то научит кто-то другой» <https://ia-centr.ru/experts/nargis-arabova/religioznое-obrazovanie-v-tadzhikistane-esli-my-ne-nauchim-to-nauchit-kto-to-drugoy/> (мурожаат санаси: 19.08.2023)
16. Обучение строго регламентировано. <https://www.asiaplustj.info/news/tajikistan/society/20211012/> (мурожаат санаси – 18.06.2023)
17. Власти Таджикистана пытаются ужесточить контроль над религиозным образованием. Силовики пресекают деятельность нелегальных центров религиозного обучения. В частных медресе обучается все больше молодежи., – <https://www.dw.com/ru>. (мурожаат санаси – 18.06.2023)
18. Душанбе: Тоҷикистоннинг энг йирик жомеъ масжиди очилди Dunyo Yangiliklar. – <https://www.bbc.com/uzbek/central-asia/>. (мурожат санаси – 18.06.2023).
19. Ёшлар тарбиясига оид муҳим вазифалар муҳокама қилинди. <https://senat.uz/oz/post/post-762>
20. Из какой страны Центральной Азии больше всех граждан поехали в этом году в хадж? – <https://www.Asia-Plus>. (мурожаат санаси: 15.06.2023).; Пять тысяч узбекских паломников готовятся совершить хадж в Саудовскую Аравию. – <https://regnum.ru>. (мурожаат санаси – 16.06.2023).; О моей службе. – <https://menin.kyzzmetim.usoz.kz> . (мурожаат санаси – 16.06.2023).; Первая группа Таджикских паломников отправилась в хадж. – <https://regnum.ru>. (мурожаат санаси – 16.06.2023).; Ислам в СНГ: Итоги хаджа – 2010 в Кыргызстане. – <https://regnum.ru>. (мурожаат санаси – 16.06.2023)
21. Ўзбекистонда диний таълим: муаммо ва истиқболлар. <https://tarjumon.uz/uzbekistonda-diniy-talim-muammo-va-isti%D2%9Bollar/>
22. Религиозное образование в Таджикистане: «Если мы не научим, то научит кто-то другой» <https://ia-centr.ru/experts/nargis-arabova/religioznое-obrazovanie-v-tadzhikistane-esli-my-ne-nauchim-to-nauchit-kto-to-drugoy/>